# Куч – адолатда

2013 йил
27 июл,
шанба
№ 30 (439)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

# Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

**Юртимиздаги ҳамжиҳатлик ва осойишталик турмушимиз ободлиги ва фаровонлигига замин яратмоқда. Барча жабҳаларда бунёдкорлик, яратувчанлик истиқлолимизга ҳамқадам тобора кенг қулоч ёзаётгани шаҳару қишлоқларимизнинг бугунги қиёфасида яққол намоён бўлаётир.**

**Мамлакатимизнинг тобора тараққиёт сари илдамлаб боришида шу Она заминни севиб-ардоқлаб, фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг, хусусан, хотин-қизларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Бунда юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани алоҳида аҳамият касб этмоқда.**




## ТУРМУШИМИЗ ОБОДЛИГИГА КАМАРБАСТАЛИК

Айтиш жоизки, истиқлол йилларида хотин-қизларнинг оиладаги, жамият ва давлат қурилишидаги ўрни ва ролини ошириш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш устувор вазифа этиб белгиланди. Айниқса, хотин-қизларнинг саломатлигини сақлаш, уларга барча соҳаларда қулай шароитлар яратиш ва қўшимча имтиёзлар бериш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Зеро, фақат ҳар томонлама билимли, оила ва жамият олдидаги масъулият ва бурчини чуқур ҳис қиладиган аёллargина буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўла оладиган, янги ҳаётни барпо этиш бўйича олдимизда турган энг муҳим вазифаларни амалга оширишга қодир ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиши мумкин.

Шу боисдан ҳам жамиятда кечаётган барча ўзгаришларда опа-сингилларимизнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1991 йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташкил қилинди. Мазкур қўмита хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг оиладаги ва жамиятдаги нуфузини янада юксалтириш, шунингдек, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш ва эҳтиёжларини янада тўлароқ таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Айни чоғда қўмитанинг 208 та ҳудудий бўлинмаси ва 42 мингга яқин бошланғич ташкилоти томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш мақсадида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*Qonun ijodkorligi*

# Миллий қонунчилигимиз такомили

## тараққиётимиз асоси

**Мустақиллик йилларида барча соҳаларда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида бугун мамлакатимиз дунёнинг энг илғор демократик давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгалламоқда. Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаёт, бунёдкорлик муҳити, ободлик ва фаровонлик, файзу барака, изчил тараққиёт жаҳон ҳамжамиятининг ҳақли эътирофига сазовор бўлмоқда. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган халқчил сиёсат маҳсули самараси бўлган бундай улкан марраларга эришишимизда қонун ижодкорлиги фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур жараённи янада такомиллаштириш мақсадида 2013 йил 20 мартда Президентимиз Ислом Каримов томонидан "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси нормаларини тажрибадан ўтказиш бўйича ҳуқуқий экспериментни ташкил этишга йўналтирилган Фармойиш қабул қилинди. Унга кўра, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига доир ташаббусларни рўёбга чиқаришда муҳим амалиёт вазифасини ўтамоқда. Мазкур ҳуқуқий экспериментнинг мазмун-моҳияти, бу борада амалга оширилаётган ишлар юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Абдурашид ЖЎРАБОЕВ "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.**

— Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси нормаларининг синови бўйича ҳуқуқий экспериментни амалга ошириш жараёнлари қизғин паллага кирди. Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлида янги даврни бошлаб бериш асносида фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ҳам оширади. Шунингдек, ҳуқуқшунос олимларнинг эътирофича, эксперимент билан боғлиқ масалаларни фаоллик билан ишлаб чиқиш юридик фан истиқболига хизмат қилади, пировардида, миллий қонунчилик тажрибасини бойитади, — **деди Абдурашид Жўрабоев.** — Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳозирги даврда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий амалиёт томонидан талаб этилган 40 дан ортиқ қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш кўзда тутилган. Хусусан, фуқароларнинг ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда ва қабул қилинаётган қарорларнинг сифати учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг масъулиятини оширишга қаратилган қонунчилик ҳужжати сифатида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш зарурлиги қайд этилган. Ушбу қонун билан фуқароларнинг ахборот соҳасидаги эркинликлари ва ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган демократик ҳуқуқий жамият қуриш тамойиллари янада мустаҳкамланади.

**(Давоми учинчи бетда)**

*Xabar*

# Ўзбекистон Республикаси Олий судида

**Пойтахтимизда 26 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раёсатларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.**

Олий суд ва Олий хўжалик суди судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди раислари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, вилоят ва унга тенглаштирилган хўжалик судлари раислари иштирок этган йиғилишда умумюрисдикция ва хўжалик судлари фаолиятини ўрганиш натижалари таҳлил этилди.

Мажлисда мамлакатимизда фуқаролар, юридик шахслар, шу жумладан, тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар талабларини тизимга тўлиқ жорий этиш борасида айрим камчиликлар йўқ эмас.

**(Давоми иккинчи бетда)**



**Мамлакатимизда инсон омилига эътибор олий қадрият даражасига кўтарилган бўлиб, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.**

*Qonun ko`magi*

# Фуқаролар мурожаати – доимий эътиборда

Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари, хусусан, адлия идоралари томонидан ҳам муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Жумладан, Хоразм вилояти адлия бошқармаси томонидан фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва уларни қонуний ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**(Давоми иккинчи бетда)**

**Мамлакатимизда фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш фуқаролик ишлари бўйича судлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.**

*Mezon*

# Судларда сиртдан иш юритиш

## унинг ўзига хос хусусияти

Бу борада сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш институти ҳам муҳим ўрин тутади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, қандай вазиятларда сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилади? Унинг процессуал тартиби нималардан иборат?

Бу саволларга жавобан шуни айтиш керакки, Фуқаролик процессуал кодексининг 224-моддасида сиртдан иш юритиш тартиби аниқ белгилаб қўйилган.

**(Давоми учинчи бетда)**

*Fuqarolik qonunchiligi*

# Бола ҳуқуқлари ҳимояси

## мамлакатимизда мустаҳкам асосга эга

**Мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан соғлом ва ақлан баркамол инсон қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш энг устувор вазифалардан биридир. Айниқса, ота-она қарамоғидан маҳрум ва етим болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.**

Жумладан, 2013 йил 1 майдан кучга кирган янги қонун ҳам шундай эзгу мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Мазкур янги қонунга асосан Оила кодексига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Айтиш керакки, Оила кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга асосан фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва фақат уларнинг манфаатларини кўзлаб фарзандликка олишга йўл қўйилади.

Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг (шахснинг) аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хулосасини инобатга олган ҳолда суд томонидан амалга оширилади.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар Фуқаролик процессуал кодексида назарда тутилган қоидалар асосида алоҳида иш юритиш тартибида, фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари, шунингдек, прокурор иштирокида суд томонидан кўриб чиқилади.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

*Xabar*

# Ўзбекистон Республикаси Олий судида



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу нуқтаи назардан мажлисда умумий юрисдикция ва хўжалик судлари томонидан одил судловни амалга ошириш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, судлар фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида умумюрисдикция судларининг 2013 йилнинг биринчи ярим йили давомида одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти натижалари ҳамда истиқболдаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар, соҳага оид қабул қилинган янги қонунлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Йиғилишда таъкидланганидек, 2013 йилнинг биринчи ярмида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 82 мингдан ортиқ иш кўрилиб, уларнинг 84,3 фоизи бўйича ҳал қилув суд қарорлари чиқарилган. Мазкур қарорлар бўйича даъво талабларининг 88,5 фоизи қаноатлантирилган. Бу йўналишда кўрилган ишлар сони 2012 йилнинг шу даврига нисбатан уч фоиз камайган.

Ҳисобот даврида кўрилган жиноят ишлари сони 2012 йилнинг биринчи ярим йилига нисбатан 4,8 фоиз камайган. Шу жумладан, айрим жиноят турлари, хусусан, ўғрилик, безорилик, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, қасддан баданга шикаст етказиш, талончилик ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш каби жиноятлари учун судланганлик кўрсаткичлари сезиларли даражада камайган.

Ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида ҳисобот даврида беш минг нафарга яқин шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик қўлланилмаган. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан 82 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган 1,3 минг нафардан зиёд шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда судлар томонидан йўл қўйилган айрим камчиликлар ва суднинг обрўсига путур етказадиган қонун бузилиши ҳолатлари атрофлича муҳокама этилди. Судья ва суд ходимларининг масъулиятини, касб маҳорати ва малакасини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Одил судловни амалга оширишда судьялар томонидан қонуний ва адолатли суд қарорлари қабул қилиниши суд ҳокимиятининг обрў-эътиборини юксалтиришга, аҳолининг унга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган муҳим омил эканлиги таъкидланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
*ЎзА мухбири*

*Mustaqilligimizning 22 yilligi oldidan*

# Турмушимиз ободлигига камарбасталик

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Таъкидлаш керакки, юртимизнинг мустақиллик йилларидаги тажрибаси дунёнинг кўплаб мамлакатларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Аёллар ва болалар ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалашга хизмат қилувчи ҳуқуқий асослар ва уларнинг амалий ифодасига оид ютуқ ва муваффақиятларимиз эътирофга сазовор бўлмоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ўтган йиллар мобайнида юртимизда аёлларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқларини муҳофазалашга қаратилган 80 дан ортиқ миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинди. Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган қонун ҳужжатлари аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муносиб ҳимоялашга хизмат қилмоқда. 1995 йилда Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб "Хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"ги Конвенцияни ратификация қилди.

Президентимизнинг 2004 йилнинг 25 майида қабул қилинган **"Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони қўмита фаолиятини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, бу Фармон асосида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси лавозимининг жорий этилгани катта ижтимоий воқелик бўлди.

Хизмат сафари билан қишлоқларда бўлиб, аёллар билан суҳбатлашганимда улар шу юртда яшаётганидан, қадр топаётганидан нечоғлик бахтиёр эканини айтишади. Сирдарёда Юртбошимиз оддий механизатор йигит билан бўлган суҳбатда "Оиланг, аёлинг сендан розими, болам? — деганларида бутун Ўзбекистон аёлларининг юракларида меҳр, эҳтиром тўлқинлари жўш урган эди.

Дарҳақиқат, Президентимиз ҳамиша аёл зотини эъзозлаш ва унга эҳтиром кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиб келади. Зеро, аёл — бу, аввало, она, сингил, Яратганнинг нозик хилқати. Бу зот ҳамиша меҳр ва эътиборга муносибдир.

Куни кеча Президентимизнинг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони асосида 60 нафар юртдошларимиз мамлакатимизнинг юксак орден ва медаллари билан тақдирланди. Энг қувонарлиси, уларнинг 55 нафари маҳаллалардаги маънавий муҳитни соғломлаштириш, миллий қадриятларимизни ёшлар руҳига сингдириш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш йўлида меҳнат қилаётган фидойи хотин-қизлардир.

Шу ўринда жорий йилнинг январь ойида Президентимизнинг Ўзбекистон Хотин-қизларининг Республика конференцияси иштирокчиларига йўллаган табригини алоҳида қайд этиш жоиз. Зеро, ушбу табрикда қўмитанинг келгуси фаолияти аёлларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг барча эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш, юрт тараққиётидаги иштирокини кучайтиришга қаратилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилган. Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг бўлинмалари, бошланғич ташкилотлари Юртбошимиз билдирган ишончни оқлашга, аёллар манфаатларининг амалдаги ҳимоячиси бўлишига интилмоқда.

Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилган боис "Соғлом она — соғлом бола" давлат дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Бир қатор нуфузли халқаро ташкилотларнинг эътирофига кўра, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Бу соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самараси ўлароқ, ҳудудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, шу жумладан, республика ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий-амалий марказлари, перинатал ва скрининг марказлар, туғруқхона мажмуалари, ҳудудий кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, қарийб 3200 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди.

Оналик ва болаликни муҳофазалаш, аёлларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишлар алоҳида таҳсинга сазовор. 2011 йилда пойтахтимизда ўтказилган **"Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: Соғлом она — соғлом бола"** мавзуидаги Халқаро симпозиум тиббиёт соҳасидаги ютуқларимизнинг яққол исботи бўлди. Мазкур симпозиумда турли халқаро ташкилотлар, 40 дан ортиқ мамлакатнинг соғлиқни сақлаш тизими вакиллари, шунингдек, тиббиёт соҳасидаги машҳур олим ва экспертлар иштирок этди. Унда қайд этилганидек, олиб борилган чора-тадбирлар натижасида мустақиллик йилларида аёлларнинг ўртача умр кўриш ёши 67дан 75 ёшга узайди, оналар ва гўдаклар ўлими 3 бараварга камайди. Нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан жаҳон рейтингида Ўзбекистон ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган ўнта давлатнинг бири сифатида тан олинди.

Қайси соҳада бўлмасин, аёлларнинг Ватан равнақи йўлидаги фидокорона меҳнати, мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук қилиб тарбиялашга қўшаётган улкан ҳиссаси муносиб баҳоланмоқда. Улар орасида нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам муваффақиятга эришаётган шифокорлар, фермерлар, фан, маданият, санъат, таълим соҳалари намояндалари кўп.

Аниқ рақамлар мисолида фикр юритадиган бўлсак, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатларнинг 22 фоизини, Сенат аъзоларининг 15 фоизини аёллар ташкил этмоқда.

Юртимизда Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши эса, ёш авлод вакилаларига кенг йўл очиб бериш, уларнинг ижодий, илмий, фан ва санъат, спорт соҳаларидаги салоҳиятини ҳаётга татбиқ этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдаги энг муҳим омиллардан бири бўлмоқда.

Ҳозирда хусусий корхоналарнинг деярли 35 фоизига аёллар етакчилик қилаётир. Ўтган 2012 йилда республикамиздаги тижорат банклари томонидан тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизларга ажратилган кредит миқдори 491,7 миллиард сўмни ташкил этгани жамиятимизнинг етакчи кучларидан бирига айланаётган аёлларнинг оила иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси янада ошишга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда қўмитанинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигига алоҳида тўхталиш жоиз. "Микрокредитбанк" ва БМТнинг UNWOMEN (Аёллар тузилмаси) ҳамкорлигида "Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш" лойиҳаси асосида Қорақалпоғистон Республикасининг Қонликўл, Фарғона вилоятининг Тошлоқ, Қашқадарё вилоятининг Қарши туманларидаги маҳаллаларда кам таъминланган аёлларга гуруҳ кафиллиги асосида жами 100 минг АҚШ доллари миқдорида миллий валютада микрокредитлар ажратилди. "Обод турмуш йили"да ҳам бу ҳамкорлик изчил давом эттирилиб, мазкур лойиҳа Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларида ҳам жорий этилди. Айни кунларда "Микрокредитбанк" билан ҳамкорликда вилоятларда хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишларига ёрдам бериш мақсадида семинар-тренинглар ўтказилмоқда ва гуруҳларга бирлашган ҳунарманд аёллар ўзаро кафиллик асосида кам фоизли кредитларга эга бўлишмоқда. Бу, албатта, турмуш фаровонлиги ва ободлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, аёлларни қанчалик улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз. Бундай эъзозу эҳтиромга жавобан юртимиздаги ҳар бир аёл оилалар фаровонлиги, ёш авлодни жисмонан соғлом, ақлан баркамол инсон қилиб тарбиялаш, мамлакатимиз тараққиётини янада юксалтириш борасида куч-ғайратини аямайди.

**Элмира БОСИТХОНОВА,**
*Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси*

*Qonun ko`magi*

# Фуқаролар мурожаати — доимий эътиборда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Масалан, Боғот туманида яшовчи С.Юсуповнинг "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг Хоразм вилояти филиали томонидан ойлик иш ҳақидан ортиқча ушланмалар ушлаб қолингани юзасидан ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш чоғида С.Юсуповнинг мурожаатида келтирилган важлар ўз тасдиғини топди. Зеро, Меҳнат кодексининг 164-моддасида иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг эллик фоизидан ортиб кетмаслиги белгиланган бўлса-да, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Хоразм вилояти филиали ҳисобчиси томонидан С.Юсуповнинг 2012 йил ноябрь, декабрь ва 2013 йил январь ойларидаги иш ҳақининг 50 фоиздан ортиғи ушлаб қолинган ва суднинг қарорига асосан ундирувчилар фойдасига юборилган.

Мазкур шикоят юзасидан "Ўзбектелеком"нинг Хоразм вилояти филиалига киритилган тақдимнома филиалнинг умумий йиғилишида муҳокама қилиниб, Меҳнат кодексининг 164-моддаси талабларини бузган филиал ҳисобчисига нисбатан"Ҳайфсан" интизомий жазоси қўлланилди.

Шунингдек, ушбу ҳолат юзасидан "Ўзбектелеком" АК Хоразм вилояти филиали бош ҳисобчиси вазифасини бажарувчи шахсга нисбатан энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида жарима жазоси тайинланди. Шу тариқа С.Юсуповнинг ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Бундан ташқари Ҳазорасп туманида яшовчи Қ.Сапаровнинг Хоразм вилояти Архитектура ва қурилиш бошқармасига ёзган аризасига ўз вақтида жавоб хати берилмагани ҳақида йўллаган мурожаати ҳам ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, Қ.Сапаровнинг Ҳазорасп туманида жойлашган "Нурмуҳаммад гузари" тўйхонаси ноқонуний қурилгани ҳақида 2013 йил 24 январда ёзган аризаси 2013 йил 28 январь куни фуқароларнинг мурожаатларини қайд қилиш китобига киритилган ва бош бошқарма бошлиғи томонидан тегишли мутахассисга қонуний ҳал этиш учун берилган. Гарчанд, бу мурожаат масъул шахс, яъни бош бошқарма қошидаги ташкилот муҳандиси томонидан ўрганиб чиқилиб, натижаси юзасидан 2013 йил 20 февраль куни жавоб хати тайёрланган бўлса-да, ушбу жавоб хати мурожаат муаллифига юборилмаган. Аниқроқ айтганда, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг 18, 21-моддалари бузилган. Шундан келиб чиқиб, адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимнома бошқарманинг умумий йиғилишида муҳокама қилинди. Натижада бошқарма муҳандисига Меҳнат кодексининг 181-моддасининг 1-қисмига асосан "Ҳайфсан" интизомий жазоси берилди.

Юқорида баён этилган фикрлардан шуни англаш мумкинки, ҳар бир мурожаатни ўз вақтида ва белгиланган муддатларда кўриб чиқиш ва қонун доирасида ҳал этиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатли ҳимоялаш, қонун устуворлигини таъминлаш сингари эзгу мақсадларга хизмат қилади. Қонун устуворлигига эришиш эса, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтиришнинг муҳим шартидир.

**Тоҳир БОБОЖОНОВ,**
*Хоразм вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи*

*Maslahat*

# Муаллифлик шартномаси

## у қандай тузилади?

2006 йил 21 июлда қабул қилинган **«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»**ги қонуннинг 39-моддасига мувофиқ муаллифлик шартномаси тузилаётганда қуйидаги шартлар назарда тутилиши керак:

— асардан фойдаланиш усуллари (мазкур шартнома асосида ўтказиладиган конкрет ҳуқуқлар);

— асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун тўланадиган ҳақ миқдори ва (ёки) тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тартиби, уни тўлаш тартиби ҳамда муддатлари.

Шу билан бирга муаллифлик шартномаси тарафлари зарур деб топган бошқа шартлар ҳам эътиборга олиниши мумкин.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи қанча муддатга ўтказилиши тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартнома тузилган санадан бошлаб беш йил ўтгандан кейин, агар фойдаланувчи шартнома бекор қилингунга қадар камида олти ой олдин бу ҳақда ёзма равишда огоҳлантирилган бўлса, шартнома муаллиф томонидан бекор қилиниши мумкин.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи амал қиладиган ҳудуд доираси тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартномага биноан бошқа шахсга ўтказилаётган ҳуқуқнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудуди билан чекланади.

Шартнома тузилган пайтда асардан фойдаланиш ҳақида ҳали маълум бўлмаган ҳуқуқлар муаллифлик шартномаси мавзуси бўлиши мумкин эмас.

Тўланадиган ҳақ муаллифлик шартномасида асардан фойдаланишнинг тегишли усули учун олинадиган даромаддан фоиз тарзида белгиланади ёки агар буни асарнинг хусусияти ёки ундан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш мумкин бўлмаса, шартномада қайд этилган сумма тарзида муаллифлик ҳақининг энг кам миқдорлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Агар асарни нашр этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш ҳақидаги муаллифлик шартномасида ҳақ тўлаш қатъий сумма тарзида белгиланса, шартномада асарнинг энг кўп адади белгилаб қўйилиши шарт.

Муаллифлик шартномаси бўйича ўтказилган ҳуқуқлар бундай шартномада бевосита назарда тутилган тақдирдагина бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин.

Муаллифнинг келгусида мазкур мавзуда ёки мазкур соҳада асарлар яратишини чеклайдиган муаллифлик шартномаси шарти ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

*Burch va mas`uliyat*

# Йўл ҳаракати

**Мамлакатимизда йўлларда эркин ва монеликсиз ҳаракатланиш, ҳаракат иштирокчиларининг соғлиги ва ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, шундай ҳодисалар юз берган тақдирда амалий ёрдам кўрсатиш борасида ҳуқуқий, ташкилий-техникавий чоралар ишлаб чиқилиб, амалга изчиллик билан татбиқ этилмоқда. Айниқса, бу борада "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.**

Айтиш керакки, амалдаги қонунчилигимизда транспорт воситаларидан фойдаланиш ва йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган. Айтайлик, ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини пиёдалар йўлкаларидан юргизиши, йўл белгилари ва йўл ҳаракатининг бошқа қоидалари талабларига риоя этмаслиги, транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши, уларнинг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши, транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш сингари қилмишлар учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда маъмурий жазо қўлланилиши назарда тутилган. Шу ўринда фикримизни мисоллар ёрдамида давом эттирадиган бўлсак, Санжар Асқаров (исм-шарифлар шартли) отаси Муслим Асқаровга тегишли "ВАЗ-2107" русумли автомашинани бошқариб бораётганида йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими ходимлари томонидан текшириш учун тўхтатилади. Ҳайдовчи автомашинани маст ҳолда бошқарганлиги ЙҲХБ (Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими) ходимлари томонидан аниқланади ва алкоголли ичимликдан мастлиги ёки маст эмаслигини белгиланган тартибда аниқлаш учун унга текширувдан ўтиш таклиф этилади. Бироқ ҳуқуқбузар С.Асқаров холислар иштирокида тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортади ва бу ҳақда далолатнома тузилиб, расмийлаштирилади.

Жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар суди томонидан ҳуқуқбузар С.Асқаров Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 136-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор, деб топилиб, унга нисбатан 1 йил 6 ой муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Албатта, С.Асқаров тайинланган бу жазодан тўғри хулоса чиқариб олиши лозим. Зотан, йўл транспорт ҳодисаларининг қарийб 65 фоизи айнан транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш оқибатида рўй бермоқда. Энг ёмони, баъзи ҳайдовчилар маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг ҳам такроран ҳуқуқбузарликка йўл қўймоқда.

Мисол учун бекободлик З.Расулов 2012 йил 8 июнда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $128^3$-моддаси 1-қисмида (тезликни ошириш) назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этгани учун энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорида жарима жазосига тортилган. Афсуски, бу жазодан тўғри хулоса чиқариб олмаган З.Расулов 2012 йил 20 октябрь, 15, 24 ноябрь кунлари такроран айнан шундай ҳуқуқбузарликни содир этгани учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 34-моддаси тартибида энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима жазосига тортилган. Буни қарангки, ҳуқуқбузар ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя этмасликка одатланиб қолган чоғи декабрь ойининг 12, 17-кунлари такроран автомашинасининг тезлигини оширгани учун ЙҲХБ ходимлари томонидан тўхтатилиб, маъмурий баённомалар расмийлаштирилган.

Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар суди З.Расуловни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $128^3$-моддаси 4-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор, деб топди ва унга нисбатан мазкур кодекснинг 34-моддаси тартибида узил-кесил 2 йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

*Qonun ijodkorligi*

# Миллий қонунчилигимиз такомили

## тараққиётимиз асоси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда, ҳуқуқий эксперимент нима? — деган табиий савол туғилади.

Ҳуқуқий эксперимент — бу экспериментал ҳуқуқий нормаларнинг самарадорлигини, фойдалилигини ва тежамлилигини текшириш ҳамда умумий амал қиладиган бўлғуси қонуннинг мақбул вариантларини пухта ишлаш учун чекланган географик ва вақт кўламида қонун лойиҳаси нормаларини апробациядан ўтказишдир.

Мазкур ҳуқуқий экспериментни ўтказишдан асосий мақсад қонун лойиҳасининг давлат органлари фаолиятининг очиқлигини, шаффофлигини, уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, аҳоли кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилган қоидалари самарадорлигини аниқлаш, бу қоидаларга амалий жиҳатдан ишлов беришдан иборатдир. Шунингдек, қонун лойиҳасининг қоидаларини, шу жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви субъектларининг ҳамда ушбу субъектлар фаолияти тўғрисида ахборот олишдан манфаатдор бўлган оммавий ахборот воситалари, фуқаролик институтлари, аҳолининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи нормаларни такомиллаштириш, уларни амалга оширишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқиш ҳам муҳим жиҳат ҳисобланади.

"Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиқлигининг асосий принциплари сифатида уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги, ошкоралиги, ундан ҳар кимнинг фойдалана олиши мумкинлиги ва ишончлилиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни қидириш, олиш, узатиш ва тарқатиш эркинлиги белгилаб қўйилган.

Лойиҳанинг 6-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг фаолияти тўғрисидаги ахборот манбалари сифатида қуйидагилар белгиланган: давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи ваколатланган мансабдор шахсларининг чиқишлари ва баёнотлари; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг ахборот хизмати ёки бошқа ваколатли таркибий бўлинмаларининг хабарлари; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг расмий веб-сайти материаллари; оммавий ахборот воситалари материаллари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ушбу қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи ахборот хизматининг мақоми ва вазифалари ҳам белгилаб қўйилган. Жумладан, ахборот хизмати турли жамоат тадбирлари (интервью, матбуот анжуманлари, брифинглар ва ҳакозо)ни ташкил этиш, ахборот хабарлари (пресс-релизлар, бюллетенлар ва ҳакозо)ни тарқатиш йўли билан оммавий ахборот воситаларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг фаолиятини ёритиш бўйича чораларни кўриши ҳақидаги нормалар мавжуд.

Лойиҳанинг 8-моддасида эса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолиятларининг очиқлигини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакилларининг аккредитация қилинишини амалга оширишлари мумкинлиги тўғрисидаги қоидалар ҳам белгиланган. Хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўтказиладиган муҳим тадбирлар тўғрисида оммавий ахборот воситаларининг аккредитация қилинган вакилларига олдиндан хабар қиладилар, ўз касбига доир мажбуриятларини бажаришда уларга ёрдам кўрсатадилар.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг асосий усуллари сифатида: давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкора қилиш (эълон қилиш); давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни расмий веб-сайтда жойлаштириш ва янгилаш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўладиган хоналарда ва жойларда жойлаштириш; ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўровлари асосида оғзаки ва ёзма шаклларидаги ахборотни тақдим этиш каби тартиб-қоидалар акс этган.

Қонун лойиҳасининг 16-моддасида эса, ахборотдан фойдаланувчининг сўровини кўриб чиқиш муддатлари ҳам белгиланган бўлиб, агар бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилмаган бўлса, рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирилмаган муддат ичида кўриб чиқилиши лозим деб белгилаб қўйилган.

Шунингдек, қонун лойиҳасининг 17-моддаси билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдалана олишни таъминлашда ушбу органларнинг мажбуриятлари белгиланган бўлиб, унга кўра, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборотнинг ўз вақтида тақдим этилиши, уларни тақдим этиш муддатлари ва тартибига риоя қилиш, тақдим этилаётган ахборотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш тартибга солинган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси юзасидан охирги уч ой мобайнида 50 дан зиёд турли таклиф ва тавсиялар келиб тушди. Ҳозирда улар қонун ижодкорлари, ҳуқуқий экспертлар томонидан ўрганиб чиқилмоқда.

Назорат-таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси нормаларининг синови бўйича ўтган вақт оралиғида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бугунги кунда Самарқанд ва Бухоро вилоятларида фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига доир маълумотларни олиш жараёнидаги иштироки сезиларли фаоллашган. Айни кунларда ҳар икки вилоятдаги маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолияти йўлга қўйилган. Ўз навбатида, давлат идораларининг веб-сайтларини яратиш, уларда аҳоли учун маълумот олиш имкониятларини кенгайтириш юзасидан ҳам бир қатор амалий натижаларга эришилган.

Ҳуқуқий эксперимент жараёнида Бухоро ва Самарқанд вилоятларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига қилинаётган ёзма ва оғзаки мурожаатлар сони кўпайиб бораётганини эътироф этиш ўринли. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, давлат органлари томонидан фуқароларнинг мурожаатлари, ахборот олиш юзасидан сўровларига нисбатан масъулиятнинг кучайиши ҳамда ушбу фаолиятнинг самарадорлиги ошиши натижасида жорий йилнинг иккинчи чораги давомида ҳар икки вилоятдаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига келиб тушган мурожаатлар сони биринчи чоракка нисбатан икки марта кўп ёки Бухоро вилоятида 1230 та, Самарқанд вилоятида эса, 1514 тани ташкил этган.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш жараёнида Бухоро ва Самарқанд вилоятларида фаолият кўрсатаётган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ўз фаолиятининг очиқлигини таъминлаш юзасидан ахборот фойдаланувчилари учун янги, қулай шарт-шароитлар яратилган.

Қонун лойиҳасида белгиланган ҳуқуқий эксперимент субъектлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари бўйича қўлланмалар ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур қўлланмалар мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари тўғрисида Бухоро ва Самарқанд вилоятлари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, давлат органларининг ахборот хизматлари ва ОАВ ходимлари учун алоҳида семинар-тренинглар ўтказиб келинмоқда. Бугунги кунгача ҳар икки вилоятда 120 дан ортиқ шу каби учрашувлар бўлиб ўтди. Уларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан биргаликда сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳам фаол иштирок этишди.

Айни вақтда Бухоро вилоятида 41 та, Самарқанд вилоятида эса 59 та оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Улар орқали аҳолининг кенг қатламига вилоят ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий-маърифий ҳаётига оид муҳим хабар ва янгиликлар етказиб берилмоқда. Бугунга қадар мазкур оммавий ахборот воситалари томонидан ҳуқуқий экспериментнинг мазмун-моҳиятини очиб берадиган 200 дан ортиқ материаллар эълон қилинган.

Бир сўз билан айтганда, дунё ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотаётган мамлакатимиздаги ҳуқуқий эксперимент намойиши бугун биз эришаётган ютуқ ва муваффақиятли натижаларнинг янги ривожланиш даврини бошлаб бериш асносида, миллий қонун ижодкорлиги жараёнини демократлаштиришда муҳим аҳамият касб этади, мамлакатимизда эркин тараққиёт муҳитини яратади. Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий онгини янада юксалтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини янада ошириш имконини беради.

**Улуғбек АСРОРОВ,**
*"Туркистон-пресс" мухбири ёзиб олди*

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур моддада кўрсатилганидек, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда, даъвогар эътироз билдирмаса, иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши мумкин. Ишни бундай тартибда кўриш ҳақида суд ажрим чиқаради. Жавобгар тегишли тартибда хабардор қилинганлиги ҳақида ишда маълумот бўлиши лозим.

Айтиш жоизки, судлар амалиётида сиртдан иш кўриш институтининг жорий этилгани фуқаролик процессида тортишув тамойилини тўлиқ таъминлаш, низоли масалаларни ўз вақтида, адолатли ва қонунийлик тамойилига деб топадиган ҳолатлар белгилаб қўйилган. Хусусан, Олий суд Пленумининг **"Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"**ги қарори 14-бандида, никоҳдан ажратишга доир ишлар бўйича қонуний ва асосли ҳал қилув қарори қабул қилиш учун суд ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқиши, жумладан, эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусиятини, никоҳдан ажратиш масаласи қўйилишига асос бўлган сабаблар, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликнинг асл сабабларини аниқлаши шартлиги, шу мақсадда суд ишни иккала тараф иштирокида кўриши лозимлиги қайд этилган.

*Mezon*

# Судларда сиртдан иш юритиш

## унинг ўзига хос хусусияти

риоя қилган ҳолда ҳал этиш орқали манфаатдор шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя этиш имконини бермоқда. Зотан, айрим шахсларнинг суд мажлисига узрсиз сабабларга кўра келмаслиги бошқа иштирокчиларнинг беҳуда вақт йўқотишига, судлардаги иш тартибининг бузилишига сабаб бўлиши муқаррардир. Сиртдан иш юритиш институти ана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Албатта, амалдаги қонун талабига кўра, сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш учун муайян асослар бўлиши талаб этилади.

Аввало, жавобгар қонунда белгиланган тартибда суд мажлисида кўриладиган иш тўғрисида ҳабардор қилиниши ва бу ҳақда ишда тегишли маълумот бўлиши лозим. Шунингдек, агар фуқаролик ишида жавобгарларнинг сони кўпчиликни ташкил этиб, улар суд мажлисига келмаган тақдирда ҳам сиртдан ҳал қилув қарори чиқаришга йўл қўйилади. Баъзан ишда қатнашаётган бир неча жавобгарнинг фақат бир нафари суд мажлисига келмаса, унга нисбатан ишни сиртдан кўриш мумкин эмаслиги инобатга олиниб, Фуқаролик процессуал кодексининг 174-моддасига мувофиқ жавобгарнинг иштирокисиз фуқаролик иши кўриб чиқилиши мумкин.

Агар суд мажлисига келган даъвогар ишни жавобгар иштирокисиз сиртдан иш юритиш тартибида кўришга рози бўлмаса, суд ишни кўришни кейинга қолдиради ва жавобгарга ишни судда кўриш вақти ва жой ҳақида қайта хабар юборади.

Шунингдек, қонунда даъвогар ишнинг сиртдан кўрилишига рози бўлган ҳолларда ҳам суд жавобгарни суд мажлисида иштирок этиши зарур

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг мазмуни қонун меъёрлари асосида белгиланади. Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида уни қайта кўриб чиқиш ҳақида ариза бериш муддати ва тартиби аниқ кўрсатиб ўтилади.

Шу ўринда маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти туманлараро (шаҳар) судларида 2013 йилнинг 6 ойи давомида 6480 та фуқаролик иши кўриб чиқилган. Шундан 5118 та иш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарилган. 2012 йилнинг шу даврида жами кўрилган фуқаролик иши 7574 тани ташкил этиб, шундан 6158 та иш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарилган.

Сиртдан чиқарилган қарорлар сони 2012 йилнинг 6 ойида 1921 тани ташкил этган бўлса, 2013 йилнинг шу даврида 1251 тани ташкил этиб, сиртдан кўрилган ишлар сони бирмунча камайган.

Вилоят суди томонидан 2012 йил давомида сиртдан кўрилиб, ҳал қилув қарори чиқарилган фуқаролик ишлари умумлаштирилганида, уларнинг 180 таси юзасидан ишларни қайта кўриш тўғрисида аризалар келиб тушган. Бунда жами кўрилган ишларнинг 5 фоизи бекор қилиниб, иш мазмунан кўриш учун тикланган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ишларни сиртдан кўриш институти фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида яратилган кенг имкониятларнинг бири бўлиб, бузилган ҳуқуқларни тиклашда, ортиқча оворагарчилик ва беҳуда вақт йўқотишнинг олдини олишда ғоятда муҳим аҳамиятга эга.

**Маъруфжон ТОЖИБОЕВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг раиси*

*Saboq*

# Божхона назорати

## уни четлаб ўтиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади

**Мамлакатимизда истиқлол йилларида барча соҳаларда улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Айниқса, хусусий секторнинг ривожлантирилгани, тадбиркорлик субъектларига зарур барча шарт-шароитлар яратилгани иқтисодиётимиз ривожи, мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилмоқда.**

Яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юртдошларимиз сафи тобора кенгайиб бораётгани қувонарли, албатта. Улар нафақат мамлакатимиз миқёсида фаолият олиб боришмоқда, айни чоғда хорижий ишбилармонлар билан ҳам тенг шериклик асосида ҳамкорлик қилаётир.

Хорижий ҳамкорлар ҳақида сўз кетганда божхона хизматига тўхталмасликни иложи йўқ. Зотан, ҳар бир мамлакат учун давлат чегараларининг дахлсизлигини таъминлаш, ноқонуний йўллар билан турли маҳсулотлар, товарлар олиб кириш ёки чиқаришга бўлган уринишларни бартараф этиш муҳим аҳмият касб этади.

(Давоми тўртинчи бетда)

# қоидалари

## унга қатъий амал қилиш турли хил кўнгилсизликларнинг олдини олади

Суднинг мазкур қарорига нисбатан З.Расулов томонидан келтирилган кассация шикояти юқори инстанция суди томонидан қаноатлантирилмасдан қолдирилди.

Айтиш жоизки, қонунда назарда тутилган маъмурий жавобгарлик йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олишга, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳушёрлигини оширишга, транспорт воситаларини масъулият билан бошқаришга қаратилган таъсир чорасидир. Бироқ олиб борилаётган изчил чора-тадбирларга қарамай, айрим кимсаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига тўлиқ амал қилмаслиги турли хил кўнгилсиз ҳодисаларнинг юз беришига сабаб бўлади. Яна мисолларга мурожаат этайлик. Бекзод Муродов "Нексия" русумли автомашинани бошқариб бораётиб, амалдаги "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг бир неча бандларини қўпол равишда бузади. У ҳаракат хавфсизлиги чораларини кўрмаган ҳолда автомашинани бошқаришда давом этади. Бунда у қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиб келаётган номаълум транспорт воситасининг узоқни ёритувчи чироқлари халал бераётганига қарамай, автомашинани тўхтатиш чораларини кўрмаган ва йўлнинг қатнов қисмини кесиб ўтаётган пиёда А.Ҳусниддиновни автомашинасининг олди қисми билан уриб юборган.

Жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар суди Б.Муродовни Жиноят кодексининг 266-моддасида назарда тутилган жиноят, яъни транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузганликда айбдор, деб топди ва унга нисбатан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Шунингдек, у 2 йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилинди. Бинобарин, суд судланувчидан жабрланувчининг қонуний вакилига етказилган моддий ва маънавий зарарлар ундирилиши лозим, деган тўхтамга келди.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, айрим ҳолларда йўл транспорт ҳодисаси рўй беришига сабабчи бўлган шахс шу ҳодиса туфайли ҳаёти ёки соғлиги хавф остида қолган жабрланувчига зарур ёрдам кўрсатиш ўрнига воқеа жойидан яширинишга, жавобгарликдан қутулиб қолишга уринади. Халқимиз қинғир ишнинг қийиғи қирқ йил ўтса ҳам фош бўлади, деб бежизга айтмаган. Масалан, Маҳмуд Алихонов ўзига тегишли "Ласетти" русумли автомашинани бошқариб бораётиб, "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг бир неча бандларини қўпол равишда бузган ҳолда йўловчи Ш.Шариповни уриб юборади ва унга зарур ёрдам кўрсатиш ўрнига ўз автомашинасида қочиб кетади. Хайриятки, яқин-атрофдаги йўловчилар Ш.Шариповни ўз вақтида шифохонага олиб боришади. Ўртача оғирликдаги тан жароҳати олган жабрланувчи шифохонада даволаниб, ўз соғлигини тиклайди. Ўз айбини бўйнига олишдан чўчиб, яшириниб юрган М. Алиев йўловчиларнинг кўрсатмаси асосида тезкор қидирув ходимлари томонидан излаб топилди ва Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилди.

Албатта, халқимизнинг турмуш фаровонлиги юксалгани сайин транспорт воситаларининг сони ҳам ортиб бормоқда. Узоғимизни яқин, мушкулимизни осон қиладиган автоуловлардан тўғри фойдаланиш ва йўл ҳаракати қоидаларига тўлиқ риоя қилиш орқали турли кўнгилсизликларнинг олдини олишга ва ҳаётимиз ободлигини янада оширишга ҳисса қўшган бўламиз.

**Мирвосит УСМОНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди раиси вазифасини бажарувчи*

**Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

*Muloqot*

# Газетхон савол беради...

***— Қўшним ўзбошимчалик билан биз яшаётган уйнинг остида цех очди. Айтинг-чи, қўшнимнинг бу хатти-ҳаракатлари қонунийми?***

***Э.ТЎРАЕВ,***
***Пахтачи тумани***

— Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 январдаги қарорига мувофиқ қабул қилинган **"Кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"**ги Низомнинг 11-бандига асосан жойни ўзбошимчалик билан қайта қурган ва қайта жойлаштирган, балкон ва пешайвонларни бошқа мақсадда қайта жиҳозлаган, қайта жойлаштирган ёхуд қўшимча равишда санитария-техник қурилмалар ва бошқа қурилмаларни ўрнатган кўп квартирали уйда жойлашган яшаш учун мўлжалланмаган жойнинг мулкдори (ижарага ва арендага олувчи) ваколатли давлат органининг ёки суднинг талабига кўра етказилган зарарни қоплаган ҳолда ушбу жойни ўз ҳисобидан олдинги ҳолатига келтиришга мажбурдир.

**Саволга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.**

*Fuqarolik qonunchiligi*

# Бола ҳуқуқлари ҳимояси

## мамлакатимизда мустаҳкам асосга эга

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Бундан ташқари ака-укалар ва опа-сингилларни турли шахслар томонидан фарзандликка олишга йўл қўйилмайди, фақат фарзандликка олиш болаларнинг манфаатларига мувофиқ келган ҳоллар бундан мустасно. Суд томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда боланинг розилигини аниқлаш талаб этилади.

Ота-онанинг боланинг фарзандликка олинишига розилиги нотариал тасдиқланган ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола жойлашган муассаса раҳбари томонидан ёки фарзандликка олиш амалга оширилаётган жойдаги ёхуд ота-она яшаб турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан тасдиқланган аризада баён этилган бўлиши керак.

Бола бир шахс томонидан фарзандликка олинган тақдирда, унинг манфаатларини кўзлаб, боланинг шахсий номулкий ҳамда мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар фарзандликка олувчи эркак бўлса, онасининг илтимосига кўра ёки агар фарзандликка олувчи аёл бўлса, отасининг илтимосига кўра, сақланиб қолиши мумкин.

Агар фарзандликка олинаётган боланинг отаси ёки онаси вафот этган бўлса, унинг ота-онаси (бува ёки буви)нинг илтимосига кўра, боланинг шахсий номулкий ҳамда мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар боланинг манфаатлари шуни талаб этса, вафот этган отаси ёки онасининг қариндошларига нисбатан сақланиб қолиши мумкин.

Қайд этиш жоизки, ушбу қонуннинг қабул қилиниши ва амалиётга татбиқ этилиши вояга етмаган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ғоятда муҳим ўрин тутади.

Мазкур қонун қабул қилингунга қадар фарзандликка олиш масаласи маҳаллий ҳокимият органларининг қарори асосида амалга оширилгани боис турли хил англашилмовчиликлар ҳам юзага келаётган эди. Бунинг оқибатида баъзи ҳолларда ҳокимият органларининг болани фарзандликка олиш тўғрисидаги қарорлари суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топиларди ёхуд бекор қилинарди.

Айтиш керакки, судья фарзандликка олиш тўғрисидаги ишни судда кўришга тайёрлашда ажрим чиқаради, унга кўра, фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига фарзандликка олиш асосли эканлиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида судга хулоса тақдим этиш мажбурияти юкланади.

Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органларининг вакиллари, шунингдек, прокурорнинг иштирокида кўриб чиқади. Зарур ҳолларда, суд фарзандликка олинаётган боланинг ота-онасини (отаси ёки онасини), унинг қариндошларини ва бошқа манфаатдор шахсларни, шунингдек, ўн ёшга тўлган боланинг ўзини ишда қатнашишга жалб қилиши мумкин.

Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни суднинг ёпиқ мажлисида кўриб чиқади. Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ишни мазмунан кўриб чиқиб, фарзандликка олиш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш тўғрисида ёхуд уни қаноатлантиришни бутунлай ёки қисман рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда, суднинг ҳал қилув қарорида фарзандликка олинган боланинг туғилганлигини қайд этиш дафтарига ўзгартиришлар киритиш учун зарур бўлган фарзандликка олинган ва фарзандликка олувчилар (олувчи) тўғрисидаги барча маълумотлар киритилади.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда, фарзандликка олувчилар (олувчи) ва фарзандликка олинаётган боланинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари фарзандликка олинган боланинг туғилишини ёзиш дафтарига зарур ўзгартиришлар киритилган кундан эътиборан белгиланади.

Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч кун ичида ушбу ҳал қилув қароридан кўчирмани фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юбориши шарт.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти ва туманлараро судлари томонидан ҳозирда болани фарзандликка олиш тўғрисидаги аризалар янги қонун талабларига тўлиқ риоя этилган ҳолда кўриб чиқилмоқда.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Саломатхон Акбаралиева болани фарзандликка олиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилган. Аризани судда кўриш жараёнида 2001 йил 6 апрелда туғилган Одинахон Жуфлиева фарзандликка олувчи С.Акбаралиеванинг оиласида 2002 йилдан буён тарбияланиб келаётгани, унинг отаси Валижон Жуфлиев 2009 йил 23 июлда вафот этганлиги, унинг онаси Кароматхон Жуфлиева нотариал тартибда тасдиқланган аризага асосан фарзандини ўз синглиси, яъни аризачи С.Акбаралиеванинг тарбиясига беришга розилик бергани, аризачининг судланмагани, жиноий жавобгарликка тортилмагани, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмагани, унинг жисмоний ва руҳий соғломлиги, иш ва яшаш жойидан ижобий тавсифлангани, фарзандликка олиш ва вояга етмаган болани оилага қабул қилиш имконини бермайдиган ҳеч қандай касалликка чалинмагани, аризачининг ойлик даромади боланинг оиладаги таъминотига мос келиши, ўзининг алоҳида уйи борлиги, Одинахон Жуфлиева аризачини ўз онаси деб билиши ва Оила кодексининг 152-моддасида назарда тутилган фарзандликка олиш учун тўсиқлар йўқлиги аниқланган.

Ангрен шаҳар "Васийлик ва ҳомийлик" органи томонидан аризачи С. Акбаралиевага Одинахон Жуфлиевани фарзандликка олиши мумкинлиги тўғрисида ижобий хулоса берилган.

Мазкур иш аризачи, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида 2013 йил 24 июнда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди томонидан ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилиб, С.Акбаралиеванинг болани фарзандликка олиш тўғрисидаги аризасини қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Хулоса қилиб айтганда, янги қонунга мувофиқ болани фарзандликка олишнинг суд тартибида амалга оширилиши вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ ва ишончли ҳимоялашда, уларнинг ота-она ғамхўрлигидан баҳраманд бўлган ҳолда оилада тарбия топишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Абдураҳмон САФОЕВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси*

*G'aroyib olam*

**Инсоният тарихидаги энг буюк кашфиётлардан бири ёзувнинг яратилиши ҳисобланади. Ёзувнинг яратилиши эса, ўз навбатида, китобнинг пайдо бўлишига олиб келган. Китобни оммавий тарзда, яъни кўп нусхада чоп этиш борасидаги узоқ йиллик изланишлар натижасида XV асрда Германияда Иоганн Гутенберг томонидан китоб босиш ускунаси ихтиро қилинди.**

# Биз билган ва билмаган дунё

## КИТОБЛАРНИНГ СИРЛИ ОЛАМИ



Айтиш керакки, китоблар фақат билим манбаигина бўлиб қолмай, балки уларнинг ўзи ҳам қизиқарли янгиликлар мавзуси ҳисобланади. Масалан, дунёдаги энг катта китоб "Денгиз қоидалари тўплами" бўлиб, ушбу асар айни пайтда Амстердам шаҳрида сақланмоқда. Бу китобнинг баландлиги икки метр, қалинлиги бир ярим метрга тенг.

"Гигас кодекси" китоби эса, дунёда оғир тош босадиган китоб саналади, унинг оғирлиги 75 килограммни ташкил этади. Айтишларича, ушбу асар чехиялик роҳиб томонидан бир кунда ёзиб тугалланган экан.

Жаҳондаги энг қимматбаҳо китоб буюк италиялик рассом ва ихтирочи Леанардо да Винчининг "Лестер кодекси" бўлиб, унда буюк олимнинг фикрлари жамланган. Айни пайтда дунёдаги энг бой одам Билл Гейтс кутубхонасида сақланувчи бу асарнинг нархи 30,8 миллион доллар миқдорида баҳоланмоқда.

Дунёдаги энг қадимий қўлёзма эса, Болгария ҳудудидаги қадимий ёдгорликларнинг бирида топилган бўлиб, у бундан икки ярим минг йил илгари ёзилган. Бу қўлёзма бор-йўғи олти варақдан иборат бўлиб, унинг саҳифалари тилла суви билан қопланган. Айни пайтда мазкур китоб Софиядаги миллий музейида сақланмоқда.

Дунёдаги энг кичик ҳажмдаги китоб эса, рус ёзувчиси А.П.Чеховнинг "Хамелион" асари ҳисобланади. 2002 йилда Гиннеснинг "Рекордлар китоби"га киритилган мазкур асарнинг ўлчами бўйига ва энига 0,9 миллиметрни ташкил этади, холос.

Дунё миқёсида олиб қараганда, энг оммабоп ёзувчи — Агата Кристи бўлиб, унинг 78 та асари дунёнинг 44 та тилига таржима қилинган. Ёзувчининг сотилган китоблари сони эса, 2 миллиард донадан ошиб кетган.

Дунёдаги энг катта ҳажмли нашр Буюк Британия парламенти ҳужжатлари бўлиб, у 1112 томдан иборат. Нашр ҳажми 330 килограммни ташкил этади. Уни батафсил ўқиш учун одам олти йил давомида тинимсиз мутолаа қилиши лозим.

Дунёдаги энг катта луғат эса, Я. ва В. Греммлар таҳрири остида яратилган немис тили луғати ҳисобланади. Қизиқ томони шундаки, бу луғатни ёзиш муаллифлар томонидан XIX асрда бошланган. Аммо биринчи муаллифларнинг луғатни тугатишга умри етмаган. Шу боис XX асрда бошқа муаллифлар луғатни ниҳоясига етказишган. Бу луғат 35 том, 3519 саҳифадан иборат.

Китоблар тарихи ҳақида фикр юритганда яна шундай бир қизиқ воқеа учрайди. Яқинда АҚШнинг Цинциннати шаҳридаги университет кутубхонасига Ричард Додд деган киши бобокалони 1883 йилда ўқиш учун олган тиббиётга оид китобни қайтариб беради. Аслида кутубхонадан олинган китобни бундай узоқ муддат қайтармагани учун Доддга жарима солиниши лозим эди. Лекин эваранинг ақл билан иш кўргани ва бу жуда ноёб воқеа эканлиги эътиборга олиниб, кутубхона маъмурияти ундан жарима ундирмасликка қарор қилишди.

Венгриянинг Печ шаҳридаги музей архивида энг қадимий 120 мингта топишмоқ сақланади. Уни Ласло Мандони исм-шарифли этнограф олим 25 йил давомида тўплаган. IV асрда лотин тилида ёзилган топишмоқ китоб улар орасида энг қадимийси ҳисобланади.

Канаданинг Гатина шаҳрида эса, китоб ўғрилари учун энг оғир жазо жорий этилган. Агар бирор-бир кимса кутубхонадан китоб олиб, ўз вақтида қайтариб бермаса, катта миқдорда жарима тўлайди. Шундан сўнг ҳам китоб кутубхонага қайтарилмаса, айбдор икки ойга озодликдан маҳрум этилади.

Габрово шаҳридаги Сатира ва юмор уйида темирдан ишланган антиқа китоб сақланади. Унинг эни 18, бўйи 22 сантиметр бўлиб, оғирлиги 4 килога тенг. Китобни Вратцида истиқомат қилувчи Ангел Костов деган киши яратган бўлиб, 22 саҳифадан иборат металл нашрда Габровонинг энг машҳур ҳазил ва мақоллари жой олган.

Япониядаги нашриётлардан бири эса, ғаройиб китобни чоп этишни йўлга қўйди. Бу китобнинг варақлари ширин хамирдан ясалган ва пиширилган бўлиб, унда саргузашт асарлар чоп этилади ва худди китобга ўхшаб муқоваланади. Бундай адабиётнинг биринчи туркуми минглаб нусхада чоп этилган ва ўша заҳоти сотиб тугатилган. Қизиғи шундаки, китобхонлар китобни ўқиб бўлгач, уни овқат ўрнида истеъмол қилиши мумкин.

**Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.**

*Saboq*

# Божхона назорати

## уни четлаб ўтиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади

**(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)**

Шу маънода мамлакатимизда ўтган йиллар давомида Божхона кодекси ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилгани божхона соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим омил бўлмоқда.



Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятлари эса, назорат қилиб бўлмайдиган товарлар муомласини ёки улардан айримларини республика ҳудудида тақчиллиги ҳолатларини келтириб чиқаради. Бу эса, иқтисодий барқарорликка таъсир қилади.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, Чортоқ тумани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан олинган тезкор маълумот асосида ўтказилган тадбирда А.Нуъмонов тергов даврида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган номаълум шахс билан олдиндан жиноий тил бириктириб, 480 дона газ ҳисоблагич ва 399 дона телефон батареялари, жами 31,1 миллион сўмлик жуда кўп миқдордаги хорижда ишлаб чиқарилган, божхона расмийлаштирувидан ўтказилмаган товарларни Қирғизистон Республикасидан айланма йўллар орқали оқ рангли, давлат белгисиз "Форд" русумли автомашинада Чортоқ туманидаги хонадонига олиб келиб яшириб қўйгани аниқланган. Бу товар-моддий бойликлар текширув чоғида ашёвий далил сифатида олинган.

Суд томонидан бу жиноят иши очиқ суд мажлисида мазмунан кўриб чиқилиб, А.Нуъмоновга нисбатан қонуний жазо тайинланди ҳамда мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний олиб кирилган товар моддий бойликлар давлат фойдасига мусодара қилинди.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳаётда ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракат қонун назаридан четда қолмайди. Шундай экан, ноқонуний даромад топишга ҳаракат қилгандан кўра, яратилган имкониятдан тўғри фойдаланиб, тадбиркорлик фаолиятини қонуний йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

**Мансур ИБРАГИМОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг судьяси*

*Jinoyatga jazo muqarrar*



# Қинғир ишнинг қийиғи тез орада фош бўлди

**Бугунги кунда дунё аҳлини қаттиқ ташвишга солаётган трансмиллий жиноятлардан бири — гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш ғоятда долзарб аҳамиятга эга.**

Зотан, ижтимоий хавфи юқори бўлган бу жиноят жамиятнинг маънавий негизига путур етказиши баробарида янги жиноятлар содир этилишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Шу маънода мамлакатимизда гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича халқаро ҳамжамият олдидаги мажбуриятларни бажаришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Энг муҳими, мамлакатимизда бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асосларнинг яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, амалдаги Жиноят кодексининг 270-275-моддаларини ўз ичига олган XIX боби "Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар" деб номланиб, бундай қилмишлар учун қатъий жазо чоралари белгиланган.

Ачинарлиси шундаки, олиб борилаётган изчил чора-тадбирларга қарамай, нафс қутқусига учган айрим кимсалар бундай нопок қилмишга қўл урмоқда.

Масалан, З.Мамасолиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2012 йилнинг ноябр ойида жиноий шериги К.Собиржоновнинг 333.51 грамм "гашиш" гиёҳвандлик моддасини ўзгаларга ўтказиш мақсадида 3.500.000 сўмга сотиб олади ва оғуни уйига яшириб қўяди. Нафси ҳаккалак отган З.Мамасолиев шу куннинг ўзида гиёҳвандлик моддасининг бир қисмини тергов даврида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган нотаниш кимсага сотиб юборади.

Аммо З.Мамасолиев гиёҳвандлик моддасининг қолган қисмини сотишга улгурмади. Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига келиб тушган тезкор маълумотга асосан ўтказилган тадбирда унинг уйи кўздан кечирилиб, таркибида тетрогидроканнабинол мавжуд бўлган "Каннабис" гиёҳвандлик моддаси топилди.

Олиб борилган тергов ва суриштирув ишлари натижасида З.Мамасолиевнинг жиноий шериги К.Собиржонов ҳам қўлга олинди. Жиноий шериклар ўзларининг бу қилмишлари билан Жиноят кодексининг 246-моддаси 2-қисми ва 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилди.

Олий суд Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги "Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 21-сонли қарори 5-бандида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар фақат кўп миқдорда сотилсагина Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан квалификация қилиниши лозимлиги, айбдор томонидан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг фақат бир қисми сотилиб, қолгани топилган ва олинган ҳолларда, бундай восита ёки моддаларнинг ўлчами уларнинг умумий миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланиши тўғрисида раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд мазкур раҳбарий тушунтиришга амал қилган ҳолда З.Мамасолиев ва К.Собиржоновга қилмишига яраша қонуний жазо тайинлади. Зеро, бундай қабиҳ жиноятларга қарши курашиш орқали юртдошларимиз ҳаёти хавфсизлигини таъминлаган ва уларнинг янада фаровон турмуш кечиришларига улуш қўшган бўламиз.

**Озоджон ЗИЯВИТДИНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Чортоқ тумани судининг раиси*

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯХЁЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-716. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6643.
1 2 4 5 Топшириш вақти: 21⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰